

Ўзбекгеофизика” АЖнинг  
2023 йил “28” февралдаги  
36 -сон Буйргугига  
Илова

## “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги 3383-сонли Қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу Услубиёт “Ўзбекгеофизика” АЖ (бундан буён матнда – Жамият деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. “Ўзбекгеофизика” АЖнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуидагилардан иборат:

Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупциявий хавф-хатар** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** - “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси,

коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган хужжат;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** - коррупция аломатлариға эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** - “Ўзбекгеофизика” АЖ нинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тахлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**қолдик хавф-хатар** - аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

**маҳсус бўлинма** - “Ўзбекгеофизика” АЖ “Коррупцияга қарши қурашиш ва комплаенс назорати” бўлими (бундан буён матнда – Комплаенс назорати бўлими деб юритилади);

4. “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 20 январга қадар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги (бундан буён матнда - Агентлик деб юритилади) ва Тоғ-кон ва геология Вазирлиги Ички назорат Бошқармаси томонидан (бундан буён матнда – Вазирлик ички назорат тузилмаси деб юритилади) “Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.

## **2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш**

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш “Ўзбекгеофизика” АЖнинг ижро аппарати ва таркибий бўлинмаларини қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Комплаенс назорати бўлими томонидан амалга оширилади ва Ишчи гурух томонидан мазкур Услубиётга мувофиқлиги ўрганилади.

Ишчи гурух аъзолари Жамиятнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади ва жамият бошқарув раиси томонидан ишчи гурух таркиби алоҳида буйруқ билан тасдиқланади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда “Ўзбекгеофизика” АЖнинг Комплаенс назорати бўлими томонидан қуидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Жамиятнинг ижро аппарати ва таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида “Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши қурашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

### **3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби**

8. Комплаенс назорати бўлими томонидан “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

9. “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташки ахборот манбалари асосида аниқланади.

10. Ички ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

“Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) хуқукий асоси;

ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлислининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

Комплаенс назорати бўлими томонидан Жамият фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, тестлар шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

11. Ташки ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

“Ўзбекгеофизика” АЖ фаолияти тўғрисидаги хуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа ташкилотлар томонидан “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

хуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

12. Комплаенс назорати бўлими “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Жамият ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид хуқуқбузарлик;

Жамият томонидан ўз фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга ошириш жараёнларида жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

хўжжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик қаби ҳолатларнинг мавжудлиги.

13. “Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуидаги ўлчовларда баҳоланади:

паст

ўрта;

юқори.

14. Комплаенс назорати бўлими томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади ва Ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилгандан сўнг Жамият Бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари**

15. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

“Ўзбекгеофизика” АЖ фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

“Ўзбекгеофизика” АЖ ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида “Ўзбекгеофизика” АЖ томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

“Ўзбекгеофизика” АЖ томонидан коррупцияга қарши қурашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сухбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши қурашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлик риоя қилишларини назорат қилиш.

“Ўзбекгеофизика” АЖ коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 14-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдик хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

17. Комплаенс назорати бўлими томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда “Ўзбекгеофизика” АЖнинг ижро аппарати ҳамда таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши қурашиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилади.

18. “Ўзбекгеофизика” АЖ Комплаенс назорати бўлими Жамият фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни

аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Жамиятнинг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқади ва Тоғ кон саноати ва геология вазирлигига ҳар йили 20 январга қадар юборади ва 1 февраль кунигача «E-anticor.uz» электрон платформасига киритилади.

19. “Ўзбекгеофизика” АЖ Комплаенс назорати бўлими томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қуидаги хужжатлар шакллантирилади:

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

“Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

### **5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби**

20. Агентлик томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган “Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

21. “Ўзбекгеофизика” АЖ комплаенс назорати бўлими Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларини такомиллаштиради.

### **6-боб. Якуний қоидалар**

22. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Ўзбекгеофизика” АЖ  
фаолиятида коррупциявий хавф-  
хатарларни аниклаш ва баҳолаш  
услубиётига  
1-ИЛОВА

“Ўзбекгеофизика” АЖИЙНГ (вазифа ва функцияларининг)  
ТАВСИФИ

“Ўзбекгеофизика” АЖ  
фаолиятида коррупциявий хавф-  
хатарларни аниклаш ва баҳолаш  
услубиётига  
2-ИЛОВА

**“Ўзбекгеофизика” АЖда коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича  
МЕЗОНЛАР**

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юкори*	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солинмаган
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Жамият фаолияти (вазифа ва функция) доирасида қарор лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши
	Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
Ўрта*	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	назорат тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияни) доирасида қарор лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши
	Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
Паст**	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
	Жамият фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарор лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши
	коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас

“Ўзбекгеофизика” АЖ  
фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни  
аниклаш ва баҳолаш услубиётига  
З-ИЛОВА

**”Ўзбекгеофизика” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг  
ХАРИТАСИ**

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Масъул ижрочилар
1.	1. Таркибий бўлинманинг номи*						
1.	1. Функция номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						
	2. Таркибий бўлинманинг номи*						
2.	1. Функция номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						

“Ўзбекгеофизика” АЖ  
фаолиятида коррупцияйи хавф-хатарларни  
аниқлаш ва баҳолаш услуби ётига  
4-ИЛОВА

## “Ўзбекгеофизика” АЖНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАСТУРИ